

**UDK 37.02**

**Раззоқов Қосимбек**

**“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**

**Жиззах политехника институти**

**Razzakov Kosimbek**

**Teacher of the Department "Social Sciences"**

**Jizzakh Polytechnic Institute**

## **ЧИШТИЯ ТАРИҚАТИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ВА**

## **ИНСОНПАРВАРЛИК ГОЯЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация:** Мақолада Тасаввуф таълимоти, унга берилган таърифлар, тасаввуфда инсонпарварлик гоялари, Чиштия тариқатида инсонпарварлик, ватанпарварликка оид фикрлари ҳам акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** Тасаввуф, тариқат, нафс, чиштия, авлиё, шайх, инсонпарварлик, ватан, ватанпарварлик, покизалик, шаффоффлик.

### **SOCIAL SIGNIFICANCE OF TOLERANCE AND HUMANITARIAN IDEAS OF THE CHISHTIA SECT**

**Annotation:** The article also reflects the doctrine of mysticism, the definitions given to it, the ideas of humanity in mysticism, the ideas of the Chishtia sect on humanity, patriotism.

**Keywords:** mysticism, sect, lust, Chishtia, saint, Sheikh, humanity, Homeland, patriotism, purity, transparency.

Тасаввуф таълимоти асрлар давомида халқимизнинг маънавиятини бойитишига хизмат қилиб келган. Инсоннинг рухий – ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориш бу таълимотнинг асосий гояларидир. Шу боис тасаввуф чуқур инсонпарварлик гоялари билан омухта бўлиб, ҳақиқат талабида юрган одамлар қалбига йўл топди, одамларнинг поклик, абадий ҳаёт, кўнгил хуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалаб келди. Бежизга ҳазрати Алишер Навоий бобомиз дунёни камолот майдони, покланиш имкони [8.Б. 4] деб уқтиргмаганлар. А.Зоҳидов тадқиқотларининг бирида, тасаввуф илдизлари хусусида тўхталиб:

“...яссавийлик, қодирийлик, чиштийлик, нақшбандийлик тариқатларининг пайдо бўлишида қадимги буддавийликдаги орифий “рухий камолотга эришиш” анъанаси мавжудлигини назардан соқит қилмасликни таъкидлайди”. Буддавийликдаги инсонпарварлик ғояси, кейинчалик бутунлай қадимги, ўрта асрлар ва янги замон фалсафий фикрларнинг марказий мавзуларидан бўлиб келди. [14.Б. 48-49]

Бинобарин, биз ўрганаётган ушбу тариқатда ҳам инсонпарварлик ва бағрикенглик мавзулари ҳам марказий ўрин тутади.

Мазкур тариқатни ҳиндистонга олиб кирган Мұхыйиддин Чиштий асли хуросонлик бўлиб, ўн беш ёшида отаси вафотидан сўнг тасаввуфга кириб, Самарқанд, Нишопур, Бағдод каби шаҳарларда саёҳат қилди. Нишопурда шайх Усмон Ҳорунийга интисоб этган. Саёҳатлари чоғида кўпгина машҳур мутасаввифлар билан учрашганлигини юқоридаги манбаларда таъкидлаб ўтдик. Кейинчалик эса Ҳиндистонга кўчиб бориб, у ерда иршод вазифасини бажарди. Ҳиндистонда обрў-эътиборга сазовор бўлиб, тариқатни янада равнақ топишида муносиб ҳисса қўшди. Чиштия тариқати намояндаси сифатида “Офтоби мулки ҳинд” [6.Б. 122] яъни (ҳинд ўлкасининг офтоби) тахаллусини ҳам олди.

Чиштия тариқатида қуийдаги уч асосга кучли эътибор берилган бўлиб, булар қуийдагиларни ташкил этади.

1. Денгиз сингари жўмард бўлиш. Аввало, денгиз ўз табиатига кўра мавжланиш, кескин ҳаракатланиш каби туғёний қўринишларга эга ҳисобланади. Тасаввуф инсон ҳақидаги бу қарашларни қабул қилган. Шу каби инсоннинг икки асос - жисм ва руҳдан иборатлиги, инсон жисмида тўрт унсур - сув, олов, ҳаво ва тупроқ хусусиятлари жамлангани қайд этилади. Инсон ўз руҳи билан фаришталарга, жисми билан эса табиатга, яъни ҳайвонларга бориб тақалади.

Бундан ташқари Қуръони Каримнинг “Нур” сураси 45-оятида: “Аллоҳ барча жониворларни сувдан яратди. Бас, улардан баъзилари қорни

билан юрадир, баъзилари икки оёқлаб юрадир, баъзилари эса тўрт (оёқ) билан. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир”, [15.Б. 356] – дея қайд этилган.

Инсон танасини салкам 60 % ни сув ташкил этади. Агар биз бирон инсонни феъл атворига зид гапларни гапириб, унинг жаҳлини чиқарадиган бўлсак, унинг тана қисмидаги сувлар мавжланиб, турли салбий ҳолатларни юзага чиқариши мумкин. Бундай ҳолатларни олдини олиш учун эса, инсон ўзининг табиатига кўра ўз устидан мунтазам ишласа ундаги ҳатти-ҳаракатлар ижобийлик томон йўналади. Содда қилиб айтганда, мазкур тариқатдаги жўмардлик кўпроқ инсонларга нисбатан, бир-бирига оқибатли бўлишликни, мардликни назарда тутади. Мардлик ҳисси бўлмаган инсонда ҳаттоки, инсон тугул она юртига ҳам меҳр ҳисси мавж урмайди. Иккинчидан, денгиз таркиби сувдан иборат бўлади. Шу ўринда, Хожа Абдулхолик Ғиждувонийдан сўрашди: “Сув қандай (тарзда) оқур?”. Марҳамат этдиларки: “Дўст ёрдами билан...”. [10.Б. 112] Демак мазкур тариқатда инсонларни бир мақсад йўлида, биргаликда, ҳамоҳанглика иш тутишини назарда тутсак бўлади.

2. Қуёш каби меҳрли бўлиш. Биламизки, қуёшда шундай бир хислат борки уни инсонларга нисбатан қиёсламасликнинг имкони йўқ. Қуёш ҳеч қачон ўз нурини хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал бирдек сочади. Аммо инсон зоти борки, қўлидан келадиган ишини, ҳаттоки биргина маслаҳатли сўзини ҳам кези келганда бера олмайди. Шунинг учун мазкур тариқат вакиллари кўпроқ ўз фаолиятлари даврида қуёш каби йўл тутишни ўзининг дастури амалига айлантирди.

3. Тупроқдек камтарин қалбли бўлиш. Инсоннинг яратилиш тарихида ҳам тупроқ бежизга танланмаган. Аллоҳнинг нақадар буюк зот эканлиги унинг инсон зотини тупроқдан яратгани ҳам мисол бўла олади. Инсоннинг табиатида камтаринлик тупроқ каби бўлиши керак. Биз ерга

нимани эксак, тупроқ ўшани биз ўн карра кўп тарзда етиштириб беради. Чиштия тариқати вакиллари ҳам ўз фаолиятларида бунга эриша олдилар.

Хуллас, тасаввуфда инсон аъмолининг аҳамияти шу қадар муҳимки, ҳатто Баронийнинг “Тарихи Ферузшохий” асаридаги таъкидга қараганда, “Шайх Низомиддин Авлиё фаолиятининг ўрганилиши ва унинг тарғиби, Дехли шаҳри аҳолиси орасида жиноятларни камайишига сабаб бўлган” экан. [13.Б. 158] Чиштия тариқати издошлари ҳам моддий бойликни рад этиш билан биргалиқда, ўз-ўзини тарбиялаш ва шахсий ибодат қилишнинг қатъий режимига амал қилишни, ўзини ўзи жалб қилиш, бошқаларга нисбатан эса саҳийлик ва саҳоватпешаликни амалга ошириш, айниқса моддий соҳаларда бағрикенглик ва диний эътиқодларни ҳурмат қилишга катта эътибор берганлиги билан ҳам аҳамиятлиdir.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, чиштия тариқатининг тасаввуф таълимоти тараққиётида тутган ўрни, мавқеи, илмий-назарий ғоялари, тариқатнинг ҳаётбахшлиги, тариқат намояндлари ҳаёти ва фаолиятида эзгууликларни амалга ошириши билан аҳамиятга молик тариқат ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ш.Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: «Ўзбекистон». 2019.
2. Алиқулов Ҳ. Жалолиддин Давоний. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Насафий. ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий “мерос”-“нур”. Тошкент. 1992.
4. Йўлдош Эшбек. Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий. “Насаф” нашриёти, Қ.: 2010.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Тасаввуф ҳақида тасаввур”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти Тошкент. 2011.

6. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.
7. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Куръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент: Хилол-нашр, 2017.
8. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
9. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
10. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
11. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic aas a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
12. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
13. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. integration of science, education and practice. scientific-methodical journal, 3(3), 203-207.
14. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya, 1(2), 69-73.
15. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
16. Rizaev I. Synergetics in Social Systems and its Possibilities //Global Scientific Review. – 2022. – Т. 10. – С. 62-69.